





## Ислом Нури

Имом Муслим Омир ибн Саъддан ривоят қилади: Саъд ибн Аби Ваққос розияллоҳу анҳу туялари ичида юрган эди, ўғли Умар келиб қолди. Саъд уни кўрган пайт: «Бу отликнинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўрайман» деди. Ўғли тушиб келиб, унга: «Сиз одамларни бир-бирлари билан мулк (ҳокимият) талашган ҳолда ташлаб, ўзингиз туя ва қўйларингиз орасида юрибсизми?!» деди. Саъд унинг кўкрагига шапатилади ва: «Жим бўл, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Албатта Аллоҳ тақводор, бировлардан беҳожат ва кўзга ташланмайдиган бандани яхши кўради» деганларини эшитганман», деди.

### **Шарҳ:**

Шон-шуҳрат ва раҳбарликни яхши кўриш амалнинг Аллоҳга холис бўлишидан тўсадиган ишлар жумласидан. Шунинг учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам амални имкон қадар махфий қилишга, шон-шуҳрат кетидан қувмасликка буюрганлар. Зеро, бу билан кишининг дини саломат қолиб, ўзи фитналардан узоқ бўлади.

### **Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:**

1. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тавозеъли бўлишга ва шуҳратпарастликдан узоқлашишга тарғиб қилганлар.
2. Амални кўздан яшириб қилиш ва одамлардан беҳожат бўлиш яхши.